



УДК6 635, 655: 6363: 854:631,51.

**СОЯ ВА КУНГАБОҚАР ЭРТАПИШАР НАВЛАРИНИ ЭКИШНИНГ
ХЎЖАЛИКДАГИ АҲАМИЯТИ .**

Мамаражабов Самандарбек Фахриддинович
s.f.mamarajabov@gmail.com

Аннотация: Ёзда бошоқли дон экинларидан бўшаган ерларда такрорий экин сифатида экилган эртапишар кунгабоқар навларини 5 июл игача ва соя эртапишар навларини 10 июл муддатигача экилган ерларда агротехнологик қоидаларга риоя қилиниб парвариш қилинса кунгабоқардан 31-32 ц/га ва соянинг гектаридан 20-25 ц/га ҳосил етиштириш мумкинлиги аниқланган.

Кириш. Сўнги пайтларда Республика аҳолисининг эҳтиёжини табиий тоза ўсимлик мойи билан янада тўлиқ таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Республикаимиз Президенти томонидан 2017 йилнинг 14 мартда 2017-2021 йилларда Республикада сояни экишни ташкил этиш ва соя донини етиштириш ишни кўпайтириш тўғрисида “ ПҚ-2832-сонли” қарор қабул қилинди. Республика аҳолисини ўсимлик мойига бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш мақсадда кунгабоқар катта майдонларда ўстирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қ-х экинлари Давлат реестрига киритилган ва бошоқли дон экинларидан бўшаган ерда такрорий экиш учун тавсия этилган Душко F₁, ЛГ56-35 F₁, ЛГ55-80 F₁, Владимир F₁, дурагайлариининг ҳосилдорлиги 35-36 ц/га га тенг.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг селекционерлари Т.Э.Остонақулов ва М.К Луковлар муаллифлигида яратилиб, 2018 й. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қ-х экинлари Давлат реестрига киритилган Машъал F₁ дурагайининг ҳосилдорлиги 37-38 ц/га. Бу дурагай тезпишар, ўсув даври 77-78 кун, асосий ва такрорий экин сифатида экилганда юқори ҳосилдорликка эга бўлади. Ўсимлик бўйи 130-135 см, пистаси қора тусли, 1000 уруғининг массаси 86-88 г. Уруғдаги мой миқдори 50 %. (Андоза Лучоферул дурагайи- 31ц/га) га нисбатан 5-7 ц./га кўшимча ҳосилдорликка эга. Янги дурагайнинг фотосинтетик қобилияти юқори, фузариоз, ботритис склеротина ва занг касалликларига чидамли. Пистаси пучоғининг қалқонлилиги 99-100 %, кунгабоқар куяси билан мутлақо зарарланмайди. Ҳосилини комбайнда йиғиштириб олишга қулай.

Соянинг Аванта, Бара, Амиго, Арлета, Спарта, Селекта 101 тезпишар навларини Республикаимизнинг барча вилоятларида такрорий экин сифатида ўстириш





мумкин. Соя донида 30-52 % оксил, 18-25 % ёғ, 20 % углеводлар бор. Соя донидан сут, қатик, творог, колбаса маҳсулотлари, маргарин, ун, кондитер маҳсулотлари, консервалар тайёрлашда фойдаланилади. Соя донидан тиббиётда дори дармонлар олишда фойдаланилади, жумладан, қандли диабет касалликлари учун парҳез таомлар тайёрланади

Такрорий экин сифатида экилган соя тупроқни органик моддалар билан бойитади. Бошоқли дон ҳосилидан бўшаган анғизга экилганда экинзор микроиқлимни, дала фитосанитар ҳолатини, тупроқдаги микробиологик жараёнларни яхшилайдди.

Республикаимизда сояни етиштириш технологияси суғориладиган ерларда Д. Ёрматова., Ҳ. Отабоева, Х. Хушвақтова Н.Халилов каби (1,2,3,4,5,) тадқиқотчилар томонидан ўрганилиб қуп илмий маълумотлар берилган ва тавсиялар ёзилган. Ҳозирги пайтда республикаимиз олимлари томонидан яратилган 16 та соя нави Давлат реестрига киритилган. Улар орасида эртапишар, ўртапишар, кечпишар навлар мавжуд. Аммо уларнинг етарли миқдорда уруғлари бўлмаганлиги туфайли, жорий 2017+2018 йил соянинг тезпишар, эртапишар ва ўртапишар навлари Россия Федерациясининг Краснодар ўлкасидаги “СОКО” соя компаниясидан юқори репродукцияли уруғликлари келтирилди. Айни пайтда янги келтирилган навларнинг биологик хусусиятлари, минтақа тупроқ- иқлимига мос равишда етиштириш технологияси ишлаб чиқилмаган. Шуларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий шароитимизда Соя ҳар хил навларини қимматли хўжалик белгиларининг шаклланишини ўрганиш мақсадида такрорий экин сифатида дала тажрибаларини ўтказиш асосида илмий тадқиқот ишлари бажарилмоқда.

Тадқиқотлар натижалари: Россиядан республикаимиз шароитига келтирилган соянинг Аванта, Бара, Амиго, Арлета, Спарта, Селекта 101 навлари жуда тезпишар ҳисобланади ва уларнинг ўсиш даври 83 кундан 100 кунгача. Пастки дуккакларнинг ер юзасидан жойлашиш баландлиги 12-14 см, 1000 та дон массаси 120 дан 180 граммгача, ўсимликнинг бўйи 85-110 см, Россия Федерациясининг жанубида асосий экин сифатида экилганда 2,03 дан 2,58 т/га дон ҳосили олинади. Такрорий экин сифатида экилганда ҳосилдорлик 2,64 дан 2,96 т/га ни ташкил этади. Максимал ҳосилдорлик 3,78 дан 4,76 ц/га. Бу кўрсаткичлар навларнинг хўжалик белгаларига боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин. Соя такрорий экин сифатида июннинг 3 ўн кунлигида экилганда пишиш даври сентябрнинг 2-3 ўн кунлигида кузатилади..

Селекта 201, СК Оптима, Селекта 301, Селекта 302 ўрта тезпишар навларнинг ўсув даври 108 дан 120 кунгача давом этади, ўсимликнинг бўйи 115-150 см, энг пастки дуккаклар ер юзасидан 13-17 см баландликда жойлашади. Дон таркибидаги оксил





миқдори 39 дан 43% гача, мой миқдори 19 дан 24% гача бўлиб ётиб қолишга ва тўкилишга чидамлиги 4-5 баллни ташкил этади. Россия Федерациясининг жанубида ўртача 4 йилдаги ҳосилдорлиги 2,64 дан 2,90 т/га дон ҳосили олинган. Максимал ҳосилдорлик 4,47 дан 5,37 ц/га ни ташкил етган. Асосий экин сифатида экилганда сентябрнинг 1-3 ўн кунлигида дон ҳосили пишиб етилиши кузатилган.

Республикамиз шароитида Аванта, Бара, Амиго, Арлета, Спарта, Селекта 101 навлари ультра тезпишар ва тезпишар ҳисобланади ва улар буғдой ва арпа ҳосилидан бўшаган суғориладиган ерларга такрорий экиш учун тавсия этилади.

Тупрокни ишлашда бегона ўт илдизларидан тозаланган дала 28–30 см чуқурликда ҳайдалади. Ерни ҳайдаш олдида органик, калийли ўғитларнинг йиллик меъёрлари, фосфорли ўғитнинг 70–80 % и берилади. Бирорта сабабга кўра, фосфорли, калийли ўғитлар ерни ҳайдаш олдидан солинмаган бўлса кўрсатилган миқдордаги ўғитларни 10-14 см чуқурликда биринчи культивация билан берилади.

Гўнг 1 га майдонга 30-40 т., азотли ўғитлар гектарига 30-50 кг берилади. Сояга 90–100 кг/га фосфор, 40–60 кг /га калий солинади. Соя илдизларида туганаклар ҳосил бўлмаса 2,0 т/га ҳосил олиш учун 1 гектарга 180 кг/га азот қўлланиши мақсадга мувофиқ. Соя такрорий экин сифатида экилганда буғдойни мум пишиш фазасида суғоришни катта меъёрда тез жўяклар охирига сув етиши билан тўхтатиб, ҳосил йиғиштириб олиниши билан экиш ёки арпа, эртапишар буғдой навларидан кейин экиш яхши натижа беради. Такрорий экин сифатида 20 июндан 5 июлгача экиш мақбул муддат ҳисобланади. Майсалар ўниб чиққандан кейин соянинг қатор ораларини ишлаш одатда ҳар 10-15 кунда ўтказилади, уларнинг сони экинзор ҳолатига қараб белгиланади. Биринчи культивация 6-8 см чуқурликда, кейингилари 10-15 см чуқурликда ўтказилади. Қайд этилган агротехникага риоя қилинганда такрорий экиндан 1,5-2 т/га ҳосил олинади.

Такорий экин сифатида ўстирилган кунгабоқар дурагайларидан мўл ҳосилдорликка эришиш учун, гектарига 57,5 минг туп қалинликда ўсимлик ўстириш ёки уруғларни 70x25 см. схемада экиш, экиш олди 10 тонна чириган гўнг, фосфорли ўғитлардан соф ҳолда гектарига 145 кг ва калийли ўғитлардан 185 кг қўллаш тавсия этилади. Азотли ўғитлардан соф ҳолда 60 кг экиш билан бир вақтда бериш, парваришда азотли ўғитлардан майсалаш даврида 60 кг. ва саватча пайдо бўлиш олдида 80 кг меъёрда озиқлантирилади. Гуллаш фазасида 2 марта қўшимча сунъий чанглатиш таъсирида , такрорий экин сифатида ўстирилган кунгабоқарнинг ҳосилдорлиги 30-32 % га ошади.

Хулоса қилинганда Соянинг ультра тезпишар ва тезпишар навларини буғдой ва арпадан бўшаган ерларда 20- июндан 10 июл муддатгача экиш ва агротехнологик





қоидаларига риюя қилинса гектаридан қисқа муддатда 20-25 центнер ҳосил олинади ва йиғиштирилган ҳосилдан 400-420 л. мой ва 800-840 кг. оқсил олинади.

Кунгабоқарнинг янги Машъал F₁ дурагайи такрорий экин сифатида 25 июндан 5 июлга қадар кечикмасдан экиш ва юқорида кўрсатилган агротехнологик қоидаларга риюя қилинса гектаридан 31-32 ц/га ҳосил ва йиғиштирилган ҳосилдан 1450 литр мой ажратиб олинади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ёрматова Д., Назарова Ф. ва бошқ.Соя 2017.-63 б.
2. Халилов Н.Х., Луков М. Қ. Суғориладиган ерларда соя етиштириш техноло гияси.//тавсиянома, Самарқанд:2017.-12 с.
3. Халилов Н., Рахимов А.Биологик азот самарадорлиги ва экологик муаммолар Тезисы докладов республиканской научно-практической конференции “Проблемы развития сельского хозяйства в экологических условиях Приаралья”. 20-21 мая. 200
4. Луков М.Қ., Қуйлиев Н. Арпадан бўшаган ерларда соя ўстиришнинг афзалликлари.Сам ҚХИ профессор ўқитувчилар коференцияси материаллари.2017й
5. Луков М.Қ. Ўзбекистоннинг суғориладиган шароитида кунгабоқар ўстириш технологияси, селекцияси ва уруғчилиги.//Монография// самарқанд 2013 й.
6. Хайитовна, Р. М., & Faxriddinovich, M. S. (2022). Types of corn grown in Uzbekistan and their peculiarities. *Texas Journal of Agriculture and Biological Sciences*, 3, 59-63.
7. Хайитовна, Р. М., & Faxriddinovich, M. S. (2022). Cauliflower growing technology. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, 6, 8-10.
8. Khayitovna, P. M., & Faxriddinovich, M. S. (2022). Peculiarities of growing cauliflower. *Science and innovation*, 1(D3), 144-146.
9. Faxriddinovich, M. S. (2023). ZIRK (BERBERIS) TURKUMI. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 2(16), 690-694.
10. Xudaynazarovna, A. M., Raxmonovna, M. G., & Faxriddinovich, M. S. (2023). O'G 'ITLARNING TURLARI-XUSUSIYATLARI, TUPROQ STRUKTURASIGA VA O'SIMLIK HOSILIGA TA'SIRI. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 2(18), 204-208.





11. Xayitovna, P. M., & Faxriddinovich, M. S. (2023). KARTOSHKANING TARQALISH HUDUDLARI. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 2(18), 209-212.
12. Xayitovna, P. M., & Faxriddinovich, M. S. (2023). Exploiting Seasonal Varieties of Tomato Cultivation for Enhanced Yield and Nutritional Impact in Uzbekistan. *Indonesian Journal of Innovation Studies*, 23, 10-21070.
13. Abdullayev, M., & Mamarajabov, S. (2022). VARIETIES AND ACHIEVEMENTS OF MOSH PLANT SELECTION IN UZBEKISTAN. *Science and innovation*, 1(D6), 120-124.
14. Xolmamatovna, X. M., To'ychiyevna, D. J., Faxriddinovich, M. S., & Bobirovich, A. M. (2022). TYPES OF SOILS COMMON IN UZBEKISTAN AND THEIR CHARACTERISTICS. *American Journal Of Agriculture And Horticulture Innovations*, 2(09), 13-19.
15. Bobirovich, A. M., & Faxriddinovich, M. S. VARIETIES AND ACHIEVEMENTS OF MOSH PLANT SELECTION IN UZBEKISTAN.
16. Xayitovna, P. M., & Faxriddinovich, M. S. BIOLOGICAL AND MORPHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF POTATOES.
17. Jumageldiyevna, G. N., Abdujalilovna, A. M., & Faxriddinovich, M. S. (2023). PISTA (PISTACIA) TURKUMI. *Innovation: The journal of Social Sciences and Researches*, 1(6), 36-38.
18. Qizi, X. M. N., & Faxriddinovich, M. S. (2023). Achchiq Bodom Turkumi. *Innovation: The journal of Social Sciences and Researches*, 1(6), 141-149.
19. Qizi, H. D. C., Qizi, J. G. D., Qizi, J. G. A., & Faxriddinovich, M. S. (2023). JASMIN (JASMINUM) TURKUMI. *Innovation: The journal of Social Sciences and Researches*, 1(6), 53-56.
20. Abdukarimovna, A. M., Muhiddinovna, K. A., & Faxriddinovich, M. S. (2023). Tomato Pests. *Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities*, 11(2), 427-430.
21. Abdullayev, M., Ochilov, B., & Mamarajabov, S. (2022). VARIETIES AND TYPES OF PEPPER IN UZBEKISTAN. *Science and innovation*, 1(D7), 312-314.
22. Jumageldiyevna, G. N., Abdujalilovna, A. M., & Faxriddinovich, M. S. (2023). QAYRAG 'OCH (ULMUS) TURKUMI. *Innovation: The journal of Social Sciences and Researches*, 1(6), 32-35.





23. Pirmqulova, M., & Mamarajabov, S. (2022). BIOLOGICAL AND MORPHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF POTATOES. *Science and innovation, 1(D6)*, 88-91.
24. Jumageldiyevna, G. N., & Faxriddinovich, M. S. (2023). KIVI O'SIMLIGI HAQIDA. *Innovation: The journal of Social Sciences and Researches, 1(6)*, 12-17.
25. Jumageldiyevna, G. N., & Faxriddinovich, M. S. (2023). ZARANG (ACER) TURKUMI. *Innovation: The journal of Social Sciences and Researches, 1(6)*, 6-11.
26. Qizi, J. R. G. Z. D., O'G'Li, S. S. K., & Faxriddinovich, M. S. (2023). GO 'ZAL KATALPANING MARFOLOGIYASI VA MANZARAVIYLIK XUSUSIYATLARI. *Innovation: The journal of Social Sciences and Researches, 1(6)*, 46-49.
27. Pirmqulova, M. X., Mamarajabov, S. F., Abduvahobova, M. A. Q., Xolmatova, M. Y. Q., & Jumayev, I. B. O. G. L. (2023). O'ZBEKISTONNING O'RTA MAVSUMDAGI GULKARAM NAVLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3(2)*, 661-665.
28. Xayitovna, P. M., Faxriddinovich, M. S., & Bobomurod o'g'li, J. I. O'ZBEKISTONNING O'RTA MAVSUMDAGI GULKARAM NAVLARI.
29. Примкулова, М. Х., Мамаражабов, С. Ф., Абдувахобова, М. А., & Холматова, М. Ю. (2023). МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ И БИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РАСТЕНИЯ ПАМИДОР, СОПТА. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 2(19)*, 69-74.
30. Shukurovna, Q. U. (2023). YUMSHOQ BUG 'DOY NAV VA TIZMALARINI SELEKSIYA KO 'CHATZORIDA QIMMATLI BELGI XUSUSIYATLARINI O 'RGANISH. *AGROINNOVATSIYA, 1(1)*, 46-49.
31. Shukurovna, Q. U., & Shodmonovich, A. S. (2023). KUZGI YUMSHOQ BUG 'DOYNING «QIPCHOQSUV» NAVINING O 'SISHI, RIVOJLANISHI, HOSILDORLIGIGA EKISH VA O 'G 'IT ME'YORLARINING TA'SIRI. *AGROINNOVATSIYA, 1(1)*, 96-102.
32. Abdixalikova, B., & Saypillayeva, J. (2024). YASMIQNING QIMMATLI XO'JALIK BELGILARI. *Science Promotion, 6(1)*, 108-116.
33. Карабаев, И., & Шавкатова, З. (2024). Турли қатор орасида ғўзанинг Бухоро-102 навини мақбул минерал ўғитлар меъёри ва кўчат қалинлигини униб чиқиш, ўсиш, ривожланишига таъсири. *Science Promotion, 8(1)*, 17-24.





34. Юсупов, Х., & Абдихаликова, Б. (2024). Лалмикор типик бўз тупрокларнинг морфологик белгилари ва агрокимёвий таркиби. *Science Promotion*, 6(1), 117-124.
35. Kubayeva, M., & Qarshieva, U. S. (2024). KALTA POYALI BUG 'DOY SELEKSIYASI UCHUN DASTLABKI MATERIAL. *AGROINNOVATSIYA*, 2(1), 160-164.
36. Xursheda, R., Xalilov, N., & Umida, Q. (2023). SOYANING KELIB CHIQISH TARIXI VA XALQ XO 'JALIGIDAGI ANAMIYATI. *PROSPECTS OF DEVELOPMENT OF SCIENCE AND EDUCATION*, 19(23), 329-332.
37. Шукуровна, Қ. У., Қузиёв, Ш., & Каримов, А. (2024). ЮМШОҚ БУҒДОЙ НАВ ВА ТИЗМАЛАРИНИ СЕЛЕКЦИЯ КЎЧАТЗОРИДА ҚИММАТЛИ БЕЛГИ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ. *AGROINNOVATSIYA*, 2(1), 165-171.
38. Тошов, С., & Қаршиёва, У. (2023). АРПА СЕЛЕКЦИЯСИДА КАСАЛЛИ КЛАРГА ЧИДАМЛИ БОШЛАНГИЧ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЯРАТИШ. *Biologiyaning zamonaviy tendensiyalari: muammolar va yechimlar*, 1(3), 515-517.
39. Мавланов, Ж., & Шукуровна, Қ. У. (2023). ЛАЛМИКОР МАЙДОНЛАР УЧУН ҚАТТИҚ БУҒДОЙНИНГ ҲОСИЛДОР НАВ НАМУНАЛАРИНИ ТАНЛАШ. *PROSPECTS OF DEVELOPMENT OF SCIENCE AND EDUCATION*, 19(23), 117-119.
40. Juraev, D. T., Begmatov, B. E., Xujaqulova, S. R., & Qarshieva, U. Sh. (2023). MUM BUG'DAY NAVLARI DONIDAGI FENOLOGIK VA BIOMETRIK, DON SIFAT KOLOTLARI VA TEMIR MAZMUNI. *Hayot fanlari va qishloq xo'jaligi*, (2(14)), 21-27.
41. Qarshieva, U. Sh., Abdixoliqova, B. A., Oltiboeva, F. (2022). O'ZBEKISTON SHARTLARIDA BIOTIK Stressga qarshilik ko'rsatish uchun yumshoq bug'doyni o'rganish. *Fan va innovatsiyalar*, 1 (1), 431-438.
42. Qarshieva, U. Sh., va Abdixoliqova, B. A. (2020). TANLOV NAL SINAVDA O'RGAN NAL VA CHILIKLARNING FERMA-QIMMATLI XUSUSIYATLARI. *BBK 65.2 C56*, 165.
43. Jumanov, D., Qodirov, A., Xo'jaev, P., & Joxonov, S. (2020). PAHTA TOLA TEXNOLOGIK PARAMETRELARIGA BO'LMA VA O'ZIQLANISH REJIMLARI VA PARTA QOLINLIGINING TA'SIRI. *Nazariy va amaliy fanlar*, (4), 77-80.





44. Dilshod, J. va Bobur, K. (2023). ASOSIY EKSIL BO'LGAN SHULI EKISH USULIDA MUQTARIB MUDDATLAR ISHLAB CHIQRISH. *FAN VA TA'LIM RIVOJLANISH ISTALARI*, 1 (14), 109-111.

45. Nadjiev, J., Jumanov, D., Amirov, X., Karimov, A., & Norsaidova, Z. (2024). Ildiz nematodlariga chidamli erta pishgan patlıcan navlarini tanlash. *E3S Web of Conferences* da (486-jild, 02035-bet). EDP fanlari.

46. Maxsudovich, BS, Abdirashit, A., Dilshod, J., Nurali, A., & Odil, B. (2021). ORGANO-MİNERAL KOMPOSTLARDAN MELIORANTLAR SIFATIDA FOYDALANISHNING AHAMIYATI. *Galaxy xalqaro fanlararo tadqiqot jurnali*, 9 (12), 528-532.

47. Toshtemirovich, J. D., Imomov, C. M., & Tojiyeva, S. O. (2023). AGROTEXNIK OMILLARNI UYG'UNLASHGAN HOLDA QO'LLASHNING G'O'ZA HOSILDORLIGIGA TA'SIRI. *AGROINNOVATSIYA*, 1(1), 37-45.

48. Safarova, Z. T. An International Multidisciplinary Research Journal.

